

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил июль ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, раислик қилувчи судья И.А.Дониёров, судья ёрдамчиси Ф.Турсункуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттақўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Холиқулов, судланувчи Р.Н.Киличев ва унинг ҳимоячиси “ХУСЕНОВ К.М” адвокатлар ҳайъати адвокати Ф.Абсамиев, судланувчи Р.Р.Козина ва унинг ҳимоячиси “Садоқат” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Юсупов ҳамда фуқаровий даъвогар З.Ф.Ташматоваларнинг иштирокида, Киличев Равшанжон Норкулович ва Козина Расимя Рустамовнага нисбатан №1-1404-2401/156-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра;

Судланувчи: Киличев Равшанжон
Норкулович (Kilichev Ravshanjon
Norkulovich), 1984 йил 09 июнь куни
Каттақўрғон туманида туғилган, миллати
ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,
маълумоти олий, оилалик, 4 нафар
фарзандлари бор, муқаддам судланмаган,
вақтинча ишсиз, Каттақўрғон шаҳар,
“Самарқанд-Жума йўли” кўчаси, 7-уйда
яшайди, иш бўйича унга нисбатан “гаров”
эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов
хулосаси нусхасини 2024 йил 11 июнь куни
олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг
“а,в,г” бандлари билан;

Судланувчи: Козина Расимя Рустамовна
(Kozina Rasimya Rustamovna), 1966 йил
18 июнь куни Каттақўрғон шаҳрида
туғилган, миллати татар, ўзбек тилини
билади, Ўзбекистон Республикаси
фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик,
муқаддам судланмаган, нафақада,
Каттақўрғон шаҳар, “Миёнкол” кўчаси,
84-уй, 13-хонадонда яшайди, иш бўйича
унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда
бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чораси
қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини
2024 йил 11 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг



“а,в,г” бандлари билан айбланган;

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Киличев Равшанжон Норкулович, 09.08.2019 йилдан 23.04.2024 йилгача Каттақўрғон Педагогика коллежи директори лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда, мансаб йўриқномасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонун ости хужжатларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш, касб-ҳунар мактаби фаолиятига, педагогик кенгашга раҳбарлик қилиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишни ривожлантириш, таълим сифатини яхшилашнинг асосий йўналишларини белгилаш, коллежнинг таълим фаолиятига раҳбарлик қилиш, меҳнат қонунчилигига ҳамда жамоада соғлом маънавий-ижодий муҳитни шакллантириш бўйича фаолият юритиш, касб-ҳунар мактабининг йиллик ва ойлик иш режаларини тасдиқлаш, иш режаларини ва ўқувчилар томонидан ўқув режаларининг бажарилишини назорат қилиш, иш берувчилар талаб ва таклифларига асосан кадрларга бўлган реал эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш юкланган бўлса-да, коллеж бош ҳисобчиси судланувчи Козина Расимя Рустамовна билан ўзаро олдиндан жинойий тил бириктирган ҳолда мансаб ваколатларини қасддан суистеъмол қилиб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир нечта жинойий қилмишлардан иборат бўлган давомли жинойий ҳаракатлари жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 2-бўлим 3-банди 8-хатбоши талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг базавий таъриф ставкалари ўқувчилар контенгентига боғлиқ муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши қайд этилган бўлса-да, мазкур Низом талабларига зид равишда коллеж раҳбарларига 01.09.2023 йилдан 01.01.2024 йилга қадар мажбурий ушланмалардан чегирилган ҳолда 6.714.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиши оқибатида, 5.847.700 сўм ортиқча тўловлар амалга ошириб, ўзганинг пулларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлар.

Бундан ташқари, судланувчи Р.Киличев ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, коллеж бош ҳисобчиси судланувчи



Р.Козина билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда мансаб ваколатларини қасддан суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 19-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг айрим ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш уларнинг ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилиш ҳамда мукофотлаш ўқув юрти иш якунларини чиқариш натижалари бўйича амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, 25.05.2023 йилда Низом талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг 8 нафар ходимларига асоссиз жами 12.146.000 сўм пул маблағларни мукофот пул маблағлари сифатида ажратилишига эришиб, ўзганинг пулларни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлар.

Шунингдек, судланувчи Р.Киличев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, коллеж бош ҳисобчиси судланувчи Р.Козина билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда мансаб ваколатларини қасддан суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 20-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига ёки касаба уюшмаси ташкилоти ташаббусига кўра, фавқулодда ҳолатларда берилиши белгиланган бўлса-да, 20.09.2023 йилда Низом талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг молия иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари Ж.Юлдошевга асоссиз ҳолда 3.623.000 сўм пул маблағлар мақсадсиз равишда кўп харажатга чиқариши орқали моддий ёрдам пул маблағлари сифатида ажратилишига эришиб, жами 3.623.000 сўм миқдордаги пулларни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлар.

Бундан ташқари, судланувчи Р.Киличев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, коллеж бош ҳисобчиси судланувчи Р.Козина билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда мансаб ваколатларини қасддан суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 25-бандида бюджет ташкилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш хонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча касб ва лавозимда



ишланаётган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган бўлса-да, 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар даврда Низом талабларига зид равишда коллежда ўриндошлик асосида ишловчи бош ҳисобчи Р.Козина ва директорнинг молия иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга мажбурий ушланмалардан ташқари 7.793.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилиши натижасида ўзганинг пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлар.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Киличев Равшанжон Норкулович ўзининг кўрсатувида, айбига қисман иқрорлик билдириб, у 2019 йил 09 август кунидан 2024 йил 23 апрель кунига қадар Каттакўрғон шаҳар Педагогика коллежи директори лавозимида ишлаганлигини, хизмат вазифаларига коллежда умумий раҳбарлик амалга ошириш, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш, қўл остидаги ходимларнинг хизмат вазифаларини амалдаги қонунларга амалга қилган ҳолда амалга оширишлари устидан назоратни олиб бориш кабилар кирганлигини, у Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси мутахассислари томонидан Каттакўрғон шаҳар Педагогика коллежида 2023 йил 01 майдан 2024 йил 01 май ойига қадар бўлган даврда давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилаётганлиги юзасидан ўтказилган хужжатли тафтиш далолатномаси билан танишиб чиққанлигини, текширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги “Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 2-бўлим 3-банди 8-хатбоши талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарларининг базавий таъриф ставкалари ўқувчилар контингентига боғлиқ муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши қайд этилган бўлса-да, мазкур Низом талабларига зид равишда коллеж раҳбарларига 01.09.2023 йилдан 01.01.2024 йилга қадар мажбурий ушланмалардан чегирилган ҳолда 6.714.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиши оқибатида, 5.847.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, Низомнинг 19-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг айрим ўртак кўрсатган ходимларини мукофотлаш уларнинг ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилиш ҳамда мукофотлаш ўқув юрти иш якунларини чиқариш натижалари бўйича



амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, 25.05.2023 йилда Низом талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг 28 нафар ходимларига асоссиз жами 56.466.000 сўм миқдорида мукофот пуллари берилганлиги аниқланганлигини, Низомнинг 20-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига ёки касаба уюшмаси ташкилоти ташаббусига кўра, фавқулодда ҳолатларда берилиши белгиланган бўлса-да, 20.09.2023 йилда Низом талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг молия иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари Ж.Юлдошевга асоссиз ҳолда 3.623.000 сўм пул маблағлар мақсадсиз равишда кўп харажатга чиқариши орқали моддий ёрдам пул маблағлари сифатида ажратилиб, тўлаб берилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 25-бандида бюджет ташкилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш хонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча касб ва лавозимда ишланаётган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган бўлса-да, 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар даврда Низом талабларига зид равишда коллежда ўриндошлик асосида ишловчи бош ҳисобчи Р.Козина ва директорнинг молия иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга мажбурий ушланмалардан ташқари 7.793.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилганлиги аниқланганлигини, Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежи ходимларга моддий рағбатлантириш учун ходимларнинг ишга бўлган маъсуллиги, муносиб хулқ-атвори, ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилиши, ижро интизоми, ходимнинг ишига нисбатан ташаббускорлиги ва таклифлари инobatга олиниб, коллеж директор ўринбосарлари, бўлим бошлиғи ёки касаба уюшмаси ташаббуси билан коллежда ташкил этилган комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, рағбатлантирилувчилар рўйхати шакллантирилиб, билдирги ва йиғилиш баёни кадрлар бўлимига тақдим этилишини, кадрлар бўлими томонидан рўйхатда келтирилган ходимларни рағбатлантириш учун ҳаракатдаги интизомий жазоси ва бошқа истисно қилувчи ҳолатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги текширилиб, интизомий жазоси бўлмаган тақдирда рўйхат асосидаги буйруқ лойиҳаси тайёрланиб, танишиб чиқиб имзо қўйиш учун директорга тақдим этилиши, директор томонидан электрон имзолангандан сўнг, ҳисоб-китоб бўлимига тақдим этиш орқали ходимларга рағбат пуллари ажратилиши, ҳақиқатдан ҳам текшириш жараёнида текшириш қамраб олган даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги “Ўрта-махсус, касб-хунар



таълими муассасаларида ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 19-банди талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг 28 нафар ходимларига асоссиз жами 56.466.000 сўм миқдорида мукофот пуллари берилганлиги аниқланганлигини, бироқ текшириш жараёнида асословчи хужжатларини тақдим этишни имкони бўлмаганлигини, чунки ўша вақтда коллежни прокуратура ва молия бўлими ҳам текшираётганлиги сабабли буйруқлар ёзиладиган китобни топишни имкони бўлмаганлиги учун текширувчига тақдим қила олмаганлигини, аммо тергов жараёнида у 20 нафар ходимга 09 май байрам муносабати билан мукофот пуллари ажратилганлиги тўғрисида буйруқ нусхаларини тақдим қилганлигини, аммо терговчи буни инobatга олмаганлигини, қолаверса мазкур ходимлардан М.Ашурова, Ф.Нарзиев, М.Низомиддинова, З.Очилова, О.Парчаев, Ш.Зокирова, С.Турсунов ва Г.Хасановага эътиборсизлик сабаб, улар белгиланган тартибда ўрнатилган кўрсатишмаган бўлишса-да, уларга асоссиз равишда мукофот пуллари тўланишига йўл қўйилганлигини, бироқ қолган ходимларга асосли равишда мукофот пуллари берилганлигини, ҳақиқатдан ҳам 20.09.2023 йилда низом талабига кўра асословчи сабаблар бўлмаса-да, коллежнинг молия иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари Ж.Юлдошевга 3.623.000 сўм моддий ёрдам пул маблағлари тўлаб берилганлигини, ушбу ҳолат келгусида содир этилмаслигини, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги “Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бўлим 3-банди 8-хатбоши талабларига зид равишда коллеж раҳбарларига 01.09.2023 йилдан 01.01.2024 йилга қадар мажбурий ушланмалардан чегирилган ҳолда 6.714.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиши оқибатида, 5.847.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда бош ҳисобчи Р.Козина томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисобланишида хатоликка йўл қўйилганлиги сабабли ортиқча тўловлар амалга оширилганлигини, у ҳам иш ҳажми кўп бўлганлиги сабабли эътиборсизлик қилганлигини, ҳақиқатдан ҳам текшириш жараёнида 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар даврда Низом талабларига зид равишда коллежда ўриндошлик асосида ишловчи бош ҳисобчи Р.Козина ва директорнинг молия иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга мажбурий ушланмалардан ташқари 7.793.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда бош ҳисобчи Р.Козина томонидан иш ҳақилари ҳисобланишида хатолик йўл қўйилганлиги



сабабли ортиқча тўловлар амалга оширилганлигини, у ҳам иш ҳажми кўп бўлганлиги сабабли эътиборсизлик қилганлигини, ҳозирги кунда жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олиб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Козина Расимя Рустамовна ўзининг кўрсатувида, айбига қисман иқрорлик билдириб, у 2017 йил 17 февраль кунидан 2024 йил 01 июнь кунига қадар Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежи бош ҳисобчиси лавозимида ишлаганлигини, хизмат вазифаларига бухгалтерия ҳисобини амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувоқиқ юритиш, шунингдек, ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, бухгалтерия ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлигини таъминлаш, касб-ҳунар мактабининг йиллик сметасини тузиш, давлат ғазначилиги орқали юритиладиган ва махсус ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг мақсадли ва қатъий қонун доирасида ишлатилишини таъминлаш, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва моддий қимматликлар, шунингдек, бошқа активларни ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш, инвентаризация натижаларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, шартномалар тузиш, чиқиш-кириш маблағларини расмийлаштириш, ходимларни ойлик маош билан таъминлаш, барча молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тайёрлаш ва топшириш кабилар киришлигини, у Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси мутахассислари томонидан Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежида 2023 йил 01 майдан 2024 йил 01 май ойига қадар бўлган даврда давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиладиганлиги юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномаси билан танишиб чиққанлигини, текширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 2-бўлим 3-банди 8-хатбоши талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг базавий таъриф ставкалари ўқувчилар контингентига боғлиқ муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши қайд этилган бўлса-да, мазкур Низом талабларига зид равишда коллеж раҳбарларига 01.09.2023 йилдан 01.01.2024 йилга қадар мажбурий ушланмалардан чегирилган ҳолда 6.714.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиши оқибатида, 5.847.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилганлиги



аниқланганлигини, Низомнинг 19-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг айрим ўртак кўрсатган ходимларини мукофотлаш уларнинг ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилиш ҳамда мукофотлаш ўқув юрти иш якунларини чиқариш натижалари бўйича амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, 25.05.2023 йилда Низом талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг 28 нафар ходимларига асоссиз жами 56.466.000 сўм миқдорда мукофот пуллари берилганлиги аниқланганлигини, бироқ текшириш жараёнида асословчи хужжатларини тақдим этишни имкони бўлмаганлигини, чунки ўша вақтда коллежни прокуратура ва молия бўлимлари ҳам текшираётганлиги сабабли буйруқлар ёзиладиган китобни топишни имкони бўлмаганлиги учун текширувчига тақдим қила олмаганлигини, аммо тергов жараёнида улар 20 нафар ходимга 09 май байрам муносабати билан мукофот пуллари ажратилганлиги тўғрисида буйруқ нусхаларини тақдим қилганлигини, аммо терговчи буни инобатга олмаганлигини, Низомнинг 20-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига ёки касба уюшмаси ташкилоти ташаббусига кўра, фавқулодда ҳолатларда берилиши белгиланган бўлса-да, 20.09.2023 йилда Низом талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг молия иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари Ж.Юлдошевга асоссиз ҳолда 3.623.000 сўм пул маблағлар мақсадсиз равишда қўп харажатга чиқариши орқали моддий ёрдам пул маблағлари сифатида ажратилиб, тўлаб берилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 25-бандида бюджет ташкилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш хонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча касб ва лавозимда ишланаётган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган бўлса-да, 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар даврда Низом талабларига зид равишда коллежда ўриндошлик асосида бош ҳисобчи бўлиб ишловчи у ва директорнинг молия иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга мажбурий ушланмалардан ташқари 7.793.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилганлиги аниқланганлигини, Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежи ходимларга моддий рағбатлантириш учун ходимларнинг ишга бўлган маъсуллиги, муносиб хулқ-атвори, ички ҳнат тартиб қоидаларига риоя қилиши, ижро интизоми, ходимнинг



ишига нисбатан ташаббускорлиги ва таклифлари инобатга олиниб, коллеж директор ўринбосарлари, бўлим бошлиғи ёки касаба уюшмаси ташаббуси билан коллежда ташкил этилган комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, рағбатлантирилувчилар рўйхати шакллантирилиб, билдирги ва йиғилиш баёни кадрлар бўлимига тақдим этилиши, кадрлар бўлими томонидан рўйхатда келтирилган ходимларни рағбатлантириш учун ҳаракатдаги интизомий жазоси ва бошқа истисно қилувчи ҳолатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги текширилиб, интизомий жазоси бўлмаган тақдирда рўйхат асосидаги буйруқ лойиҳаси тайёрланиб, танишиб чиқиб имзо қўйиш учун директорга тақдим этилишлигини, директор томонидан электрон имзолангандан сўнг, бухгалтерияга тақдим этиш орқали ходимларга рағбат пуллари ажратилиши, ҳақиқатдан ҳам текшириш жараёнида текшириш қамраб олган даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги “ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 19-банди талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг 28 нафар ходимларига асоссиз жами 56.466.000 сўм миқдорида мукофот пуллари берилганлиги аниқланганлигини, бироқ текшириш жараёнида асословчи ҳужжатларини тақдим этишни имкони бўлмаганлигини, қолаверса мазкур ходимлардан М.Ашурова, Ф.Нарзиев, М.Низомиддинова, З.Очилова, О.Парчаев, Ш.Зокирова, С.Турсунов ва Г.Хасанова белгиланган тартибда ўрناق кўрсатишмаган бўлишса-да, уларга ҳам мукофот пуллари ажратилиши белгиланганлигини, у ҳам ушбу ҳолатга аниқлик киритмасдан уларга мукофот пуллари тўланишига йўл қўйганлигини, бироқ қолган ходимларга асосли равишда мукофот пуллари берилганлигини, ҳақиқатдан ҳам 20.09.2023 йилда низом талабига кўра асословчи сабаблар бўлмаса-да, коллежнинг молия иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари Ж.Юлдошевга 3.623.000 сўм моддий ёрдам пул маблағлари тўлаб берилганлигини, ушбу ҳолат келгусида содир этилмаслигини, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги “ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бўлим 3-банди 8-хатбоши талабларига зид равишда коллеж раҳбарларига 01.09.2023 йилдан 01.01.2024 йилга қадар мажбурий ушланмалардан чегирилган ҳолда 6.714.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиши оқибатида 5.847.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда у томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисобланишида хатоликка йўл



қўйилганлиги сабабли ортиқча тўловлар амалга оширилганлигини, у ҳам иш ҳажми кўп бўлганлиги сабабли эътиборсизлик қилганлигини, ҳақиқатдан ҳам текшириш жараёнида 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар даврда Низом талабларига зид равишда коллежда ўриндошлик асосида ишловчи у ва директорнинг молия иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга мажбурий ушланмалардан ташқари 7.793.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда у томонидан иш ҳақилари ҳисобланишида хатоликка йўл қўйилганлиги сабабли ортиқча тўловлар амалга оширилганлигини, ҳозирда жиноят иши бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олиб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Судланувчилар Киличев Равшанжон Норкулович ва Козина Расимя Рустамовна ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари, уларнинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар ва гувоҳнинг кўрсатмалари билан ҳам тўлиқ исботланади.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган Ташматова Зухра Фармоновна ўзининг кўрсатувида, у 2000 йилдан буён шаҳар ҳокимлиги молия бўлимида турли лавозимларда ишлаб келганлигини, 2020 йилдан буён жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш инспектори вазифасида ишлаб келаётганлигини, унинг хизмат вазифаларига жисмоний ва юридик шахслардан келаётган мурожаатларни тегишлилигига кўра йўналтириб, уларни ўрганилишини назорат қилиш, бўлим бошлиғининг топшириқларига асосан бюджет ташкилотларида молиявий ўрганиш ўтказиш ва бошқалар каби вазифалар киришлигини, Каттақўрғон шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлимининг 06.06.2024 йилдаги ишончномасига асосан Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежига нисбатан бўлган жиноят иши бўйича фуқаровий даъвогар тариқасида иштирок этиш вазифаси унга юклатилганлигини, жиноят иши ҳужжатларига кўра, Р.Киличев Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежи директори лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда, мансаб йўриқномасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонун ости ҳужжатларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш, касб-хунар мактаби фаолиятига, педагогик кенгашга раҳбарлик қилиш ҳамда у билан биргаликда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишни ривожлантириш, таълим сифатини яхшилашнинг асосий йўналишларини белгилаш, коллежнинг таълим фаолиятига раҳбарлик қилиш, меҳнат қонунчилигига ҳамда жамоада соғлом маънавий-ижодий муҳитни шакиллантириш бўйича фаолият юритиш, касб-хунар мактабининг йиллик ва ойлик иш режаларини тасдиқлаш, иш режаларини ўқувчилар томонидан ўқув режаларининг бажарилишини назорат



қилиш, иш берувчилар талаб ва таклифларига асосан кадрларга бўлган реал эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш юкланган бўлса-да, коллеж бош ҳисобчиси Р.Козина билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда мансаб ваколатларини қасддан суистеъмол қилиб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир нечта жиноий қилмишлардан иборат бўлган давомли жиноий ҳаракатлари жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 2-бўлим 3-банди 8-хатбоши талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг базавий таъриф ставкалари ўқувчилар контингентига боғлиқ муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши қайд этилган бўлса-да, мазкур Низом талабларига зид равишда коллеж раҳбарларига 01.09.2023 йилдан 01.01.2024 йилга қадар мажбурий ушланмалардан чегирилган ҳолда 6.714.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиши оқибатида, 5.847.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилган ҳолда, ўзганинг пулларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлигини, бундан ташқари, Р.Киличев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, коллеж бош ҳисобчиси Р.Козина билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда мансаб ваколатларини қасддан суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 19-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг айрим ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш уларнинг ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилиш ҳамда мукофотлаш ўқув юрти иш яқунларини чиқариш натижалари бўйича амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, 25.05.2023 йилда Низом талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг 8 нафар ходимларига асоссиз жами 12.146.000 сўм маблағларни мукофот пул маблағлари сифатида ажратилишига эришиб, ўзганинг пулларни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлигини, шунингдек, Р.Киличев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, коллеж бош ҳисобчиси Р.Козина билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда мансаб ваколатларини қасддан суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 20-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига ёки касба уюшмаси ташкилоти ташаббусига кўра, фавқулодда ҳолатларда берилиши белгиланган бўлса-да, 20.09.2023 йилда Низом талабларига зид равишда коллеж директор жамғармаси комиссияси қарори билан коллежнинг молия иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари Ж.Юлдошевга асоссиз ҳолда 3.623.000 сўм пул маблағлар мақсадсиз равишда кўп харажатга чиқариши орқали моддий ёрдам пул маблағлари сифатида ажратилишига эришиб, жами 3.623.000 сўм миқдордаги пулларни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлигини, бундан ташқари, Р.Киличев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, коллеж бош ҳисобчиси Р.Козина билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда мансаб ваколатларини қасддан суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 25-бандида бюджет ташкилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш хонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун кўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча касб ва лавозимда ишланаётган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган бўлса-да, 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойига қадар даврда Низом талабларига зид равишда коллежда ўриндошлик асосида ишловчи бош ҳисобчи Р.Козина ва директорнинг молия иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга мажбурий ушланмалардан ташқари 7.793.700 сўм ортиқча тўловлар амалга оширилиши натижасида ўзганинг пул маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлигини, ҳозирги кунда жиноят иши бўйича аниқланган моддий зарар тўлиқ вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланганлиги сабабли, фуқаровий даъвогар сифатида судланувчилар Р.Киличев ва Р.Козиналарга даъвоси йўқлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Холилов Зафар Убайдуллаевич ўзининг кўрсатувида, у Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси бош назоратчи тафтишчиси бўлиб ишлашлигини, эгаллаб турган лавозимида 2015 йил июнь ойидан ишлаб келишлигини, хизмат вазифаларига бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда маблағларнинг тўғри ва мақсадли сарфланиши ва ишлатилишини назорат қилиш, ҳукумат ва маҳаллий органлари топшириғига асосан марказлашган текширишларда қатнашиш ва текшириш ўтказиш, ҳуқуқ тартибот идораларининг тегишли қарорларига асосан ҳужжатли тафтишлар ва текширишлар ўтказиш кабилар



киришлигини, у Самарқанд вилоят прокуратурасининг 2024 йил 23 апрелдаги ҳужжатли тафтиш тайинлан ҳақидаги қарори ва Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг буйруғига асосан коллеж директори Ф.Раҳимова хабардорлигида бошланиб, бошқарманинг бошқа маъсул ходимлар ҳамда текширишга жалб қилинган тегишли мутахассислар иштирокида 2023 йил 01 май кунидан 2024 йил 01 май кунигача бўлган даврида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳамда бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши ва сарфланиши юзасидан тафтиш ўтказганлигини, ўрганиш давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 01 августдаги “Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” ги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида” ги Низом ҳамда амалдаги йуриқномаларга асосан коллежнинг ўқитувчи педагоглари ҳамда ишчи ходимларига 2023 йил 01 майдан 2024 йил 01 майгача бўлган даврда 37 ҳолатда жами 84.740.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, моддий ёрдам пуллари ҳамда ўриндошлик асосида иш ҳақи асоссиз ва нотўғри ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегиши 73.724.300 сўм тўланганлиги аниқланганлигини, жумладан коллежда 2023 йил 01 сентябрь ойдан 2024 йил 01 январь ойигача бўлган даврда ҳар ойда 303 нафардан ўқувчи таҳсил олган бўлса-да коллежнинг раҳбар ходимларга 2008 йил 01 августдаги 165-сонли Низомда кўрсатилган талабларга амал қилмасдан таъриф ставкалари бўйича 6 нафар раҳбар ходимларга 4-гуруҳ ўрнига 3-гуруҳда иш ҳақи тўланганлигини, натижада ушбу давр учун жами 6.714.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегиши 5.841.700 сўм ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, Каттақўрғон шаҳар Педогогика коллежида 2023 йил ва 2024 йилнинг ўтган даврида меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текширишда коллежнинг 2023 йилдан бош ҳисобчиси Р.Козинага техникум ҳисобчиси 0.50 штат бирлигида юклатилган ва коллеж директорнинг Молия ва иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга коллеж бўлим бошлиғи 2023 йил 0.50 штат бирлигида юклатилганлигини, мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарори 26-бандида кўрсатилган “Қуйидаги ходимлар тоифалари учун касблар ва лавозимларда бир неча касб ва лавозим асосида ишлашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга, ишлар ҳажмини кўпайтиришга йўл қўйилмайди: давлат бошқаруви органлари ходимлари (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари); давлат бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган бюджет ташкилотларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек ушбу ташкилотлар таркибий



бўлинмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 259-моддасида кўрсатилган “Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганда, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганда, иш ҳажми кўпайганда ходимнинг асосий лавозимдаги иш ҳақиға қуйидагилар учун қўшимча тўлов белгиланади ва тўланади: бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилот ходимлари учун — бир неча касбда (лавозимда) ҳақиқатда бажарилган ишга доир иш ҳақи миқдориди; бюджет ташкилотлари ходимлари учун - бир неча лавозимда ишлаганлик учун тариф ставкасининг (маошининг) эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.” талаби бўзилганлиги аниқланганлигини, коллежнинг бош ҳисобчиси Р.Козинага техникум ҳисобчиси 0.50 штат бирлигида юклатилганлигини ва коллеж директорнинг Молия ва иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М. Умаровга коллеж бўлим бошлиғи 0.50 штат бирлигида юклатилганлигини, 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойигача жами 8.958.300 сўм ўриндошлик асосида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегиши 7.793.700 сўм ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, шунингдек, Каттақўрғон шаҳар педагогика коллежида ўқув жараёни юзасидан ўтказилган ўрганишда Коллежда 2023 йил май ойидан 2024 йил май ойигача бўлган даврда номутахассис ўқитувчи ходимлар мавжуд эмаслиги, ўқитувчи ва педагог ходимларга устамалар белгиланмаган ва тўланмаганлиги, коллежнинг йиғилиш баённомалари, буйруқлари, жамоат шартномаси ҳамда бошқа тегишли хужжатларига асосан ўқитувчи ва ишчи ходимларга директор жамғармаси ва тежалган маблағлар ҳисобидан мукофот ва моддий рағбатлантириш пуллари ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежи томонидан 2023 йил 01 майдан 2024 йил 01 майгача булган даврда 2023 йил май ойида 28 нафар ўқитувчи ва ишчи ходимларига жами 64.903.400 сўм моддий рағбатлантириш маблағлари ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегиши 56.466.000 сўм коллежнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун буйруғи бўлмаса-да асосиз тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, ўтказилган текширишда коллежнинг 2023 йил 25 майдаги 14-сонли буйруқ асосида М.Даминова, Х.Каримов, Г.Хасанова ва О.Парчаевларга 2023 йил 20 сентябрдаги 49-сонли буйруқ билан Ж.Юлдашовга моддий ёрдам берилганлигини, мазкур ҳолатда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 01 августдаги Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги 165-сонли қарор 20-бандида “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси касоба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича вқулодда ҳолларда кўрсатилади (яқин қариндоши вафот этганда, оғир



жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда” деб кўрсатилган талабига риоя этилмаганлиги аниқланганлигини, коллеж директорнинг Молия ва иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга 2023 йил 20 сентябрдаги 49-сонли буйруғи ва моддий ёрдам бериш тўғрисидаги аризасига асосан 2023 йил сентябрь ойига жами 4.164.300 сўм моддий ёрдам пули ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегишли 3.622.900 сўм ортиқча тўланганлигини, коллежда 2023 йил 01 сентябрь ойидан 2024 йил 01 январь ойигача бўлган даврда ҳар ойда 303 нафардан ўқувчи тахсил олган бўлса-да, коллеж бош ҳисобчиси Р.Козина томонидан коллежнинг раҳбар ходимларга 2008 йил 01 августдаги 165-сонли Низомда кўрсатилган талабларга амал қилмасдан таъриф ставкалари бўйича 6 нафар раҳбар ходимларга 4-гуруҳ ўрнига 3-гуруҳда иш ҳақи тўланганлигини, натижада ушбу давр учун жами 6.714.600 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар нотўғри ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегиши 5.841.700 сўм ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, коллежнинг бош ҳисобчиси Р.Козинага техникум ҳисобчиси 0.50 штат бирлигида юклатилганлигини ва коллеж директорнинг Молия ва иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга коллеж бўлим бошлиғи 0.50 штат бирлигида юклатилганлигини, 2023 йил май ойидан 2024 йил апрель ойигача жами 8.958.300 сўм ўриндошлик асосида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бош ҳисобчи Р.Козина томонидан нотўғри ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегиши 7.793.700 сўм ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, ўтказилган текшириш натижасида ҳақиқатдан ҳам коллеж директорнинг Молия ва иқтисод ишлари бўйича ўринбосари М.Умаровга 2023 йил 20 сентябрдаги 49-сонли буйруғи ва моддий ёрдам бериш тўғрисидаги аризасига асосан 2023 йил сентябрь ойига жами 4.164.300 сўм моддий ёрдам пули ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегишли 3.622.900 сўм ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда унга моддий ёрдам пуллари ажратиш учун асослар мавжуд бўлмаса-да, асоссиз равишда директор Р.Киличев томонидан буйруқ чиқарилиб, бош ҳисобчи Р.Киличева томонидан асоссиз равишда тўлов учун пул маблағлари ажратилганлигини, ўтказилган текшириш натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомнинг 19-банди талабларига кўра, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг айрим ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш, уларнинг ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилиш ҳамда



мукофотлаш ўқув юрти иш якунларини чиқариш натижалари бўйича амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, Каттақўрғон шаҳар педагогика коллежи томонидан 2023 йил 01 майдан 2024 йил 01 майгача бўлган даврда 2023 йил май ойида 28 нафар ўқитувчи ва ишчи ходимларига ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда жами 64.903.400 сўм моддий рағбатлантириш маблағлари ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегиши 56.466.000 сўм коллежнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун буйруқсиз асоссиз тўланганлиги аниқланганлигини, Р.Киличев ва Р.Козина текшириш жараёнида 20 нафар ходимга моддий рағбатлантириш маблағлари ажратилганлигини асословчи ҳужжатларини тақдим эта олмаганлигини, чунки ўша вақтда ушбу коллежни прокуратура ва молия бўлимлари ҳам текшираётганлиги сабабли буйруқлар ёзиладиган китобни топа олмаганлиги учун унга тақдим қила олмаганлигини, аммо тергов жараёнида улар 20 нафар ходимга 09 май байрам муносабати билан мукофот пуллари ажратилганлиги тўғрисида буйруқ нусхаларини тақдим қилганлигини, аммо терговчи буни инобатга олмаганлигини, суд тергови жараёнида ҳақиқатдан ҳам аниқланишича 20 нафар ходимларга 9 май байрам муносабати билан мукофот пуллари тўғри ажратилганлигини, бу китобларда қайд этилган бўлиб чиқарилган буйруқлар асосли эканлигини ва жиноят иши бўйича етказилган зарардан чегириш лозимлигини билдириб баёнот берди.

Судланувчилар Р.Киличев ва Р.Козинанинг айбига қисман иқрорлик билдириб, берган кўрсатувларидан ташқари уларнинг айби: 2024 йил 20 апрель кундаги Каттақўрғон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчиси О.М.Хидировнинг Каттақўрғон шаҳар прокурори номига ёзган билдиргиси (ишнинг 1-жилди 4-варақаси), 2024 йил 19 апрель кундаги Катақўрғон шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими томонидан Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежида ўтказилган текшириш маълумотномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (ишнинг 1-жилди, 6-234-варақалари), 2024 йил 24 май кундаги Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси бош назоратчи-тафтишчиси З.Холилов томонидан Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежида ўтказилган текшириш далолатномаси, хулосаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (ишнинг 2-жилди, 43-262-варақалари), ашёвий далил деб эътироф этиш ва уларни ишга қўшиш тўғрисида қарор (ишнинг 3-жилди, 127-129-варақалари) ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Судланувчилар Р.Киличев ва Р.Козинанинг мансаб мавқеини суъиистеъмол қилган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган анинг мулкани растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда



ифодаланган жиний хатти-харакатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан тўғри, бироқ айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг кўп миқдордаги мол-мулкни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш сифатида ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмининг “а” бандида ўзганинг кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, ЖКнинг саккизинчи бўлимида кўп миқдор деганда-базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдорни тушуниш назарда тутилган.

Иш ҳолатига кўра, ҳукм чиқариш вақтида Республикада базавий ҳисоблаш миқдори 340.000 сўм этиб белгиланганлиги сабабли, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз баравари 102.000.000 сўмни ташкил қилиб, судланувчилар Р.Киличев ва Р.Козина томонидан растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинган мулк кўп миқдорни эмас, аксинча кўп бўлмаган миқдорни, яъни жами 29.410.400 сўмни ташкил этади.

Шу сабабли суд, судланувчилар Р.Киличев ва Р.Козинага нисбатан дастлабки тергов органи томонидан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айб эълон қилишда, айбдор томонидан мазкур жиноят кўп миқдорда содир этилганлигини тасдиқловчи ҳолатлар суд муҳокамасида ўз исботини топмаганлиги сабабли, мазкур ҳолатларни судланувчининг фойдасига ҳал этган ҳолда унинг айбловидан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмининг “а” банди квалификация белгиларини чиқаришликни лозим топади.

Шунингдек, суд, ЖПК 415-моддаси талабларидан келиб чиқиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Р.Киличев ва Р.Козинага нисбатан эълон қилинган айбловда кўрсатилган иккинчи эпизоддаги 56.466.000 сўм миқдоридаги моддий зарар суммасини муҳокама қилиб, суд мажлисида аниқланган ҳақиқий ҳолатга кўра, судланувчилар томонидан 56.466.000 сўм эмас, аксинча 12.146.000 сўм пул маблағини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинганлиги сабабли, ушбу эпизод бўйича етказилган моддий зарар қийматини 12.146.000 сўм деб эътироф этишликни лозим топади.

Суд, судланувчи Р.Киличевнинг содир қилган жиноятини қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилалик бўлиб қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилавий шароитини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, Самарқанд вилояти олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси томонидан берилган



илтимосномасини унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, иш бўйича унинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топади.

Суд, судланувчи Р.Козинанинг содир қилган жиноятини қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, аёл киши эканлигини, нафақада эканлигини, оилавий шароитини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, Самарқанд вилояти олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси томонидан берилган илтимосномасини унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, иш бўйича унинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кундаги № 01-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида “Судларга тушунтирилсинки, ЖКнинг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англамайди. Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Р.Киличевга нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, содир қилган жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши ва оғир оқибатларга олиб келмаганлигини, унинг шахсини, оилавий шароитини, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, Самарқанд вилояти олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси томонидан берилган илтимосномасини эътиборга олиб, намунали хулқи билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб эътироф этиб, юқорида қайд этилган Олий суд Пленуми Қарори тушунтиришига амал қилган ҳолда судланувчи Р.Киличевни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишлик ҳамда унга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишликни лозим топади.

Суд, судланувчи Р.Козинага нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, содир қилган жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши ва оғир оқибатларга олиб келмаганлигини, унинг шахсини, оилавий шароитини, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, Самарқанд вилояти олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси томонидан берилган илтимосномасини эътиборга олиб,



намунали хулқи билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб эътироф этиб, юқорида қайд этилган Олий суд Пленуми Қарори тушунтиришига амал қилган ҳолда судланувчилар Р.Козинани Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишлик ҳамда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишликни лозим топади.

Суд, жиноят иши юзасидан судланувчи Р.Киличев томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг махсус депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 205.410.000 сўм пуллардан 29.410.400 сўмини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг Каттакўрғон шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига ўтказишликни лозим деб топади.

Суд, жиноят иши юзасидан судланувчи Р.Киличев томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг махсус депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 205.410.000 сўм пуллардан 175.999.600 сўмини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи Р.Киличевга қайтаришликни лозим деб топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳамда жиноят иши ҳужжатларига қўшилган 2024 йил 19 апрель кунидаги Катакўрғон шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими томонидан Каттакўрғон шаҳар Педагогика коллежида ўтказилган текшириш маълумотномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, 2024 йил 24 май кунидаги Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси бош назоратчи-тафтишчиси З.Холилов томонидан Каттакўрғон шаҳар Педагогика коллежида ўтказилган текшириш далолатномаси, хулосаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва тўлов топшириқномаларини жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлашликни лозим деб топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211,453-457, 462-463, 465-468, 471-473 ва 475-476-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,-

Ҳ У К М :

Судланувчи **Киличев Равшанжон Норкулович** (Kilichev Ravshanjon Norkulovich), Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Киличев Равшанжон Норкулович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддаси (ЖПК 463-моддаси 3-қисмининг 3-банди)га асосан жазодан озод қилинсин.

Судланувчи Киличев Равшанжон Норкуловичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 7.000.000 (етти миллион) сўм пуллар унинг ўзига қайтарилсин.

Судланувчи **Козина Расимя Рустамовна** (Kozina Rasimya



Rustamovna), Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Козина Расимя Рустамовна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддаси (ЖПК 463-моддаси 3-қисмининг 3-банди)га асосан жазодан озод қилинсин.

Судланувчи Козина Расимя Рустамовнага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида” тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 7.000.000 (етти миллион) сўм пуллар унинг ўзига қайтарилсин.

Жиноят иши юзасидан судланувчи Киличев Равшанжон Норкулович томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг махсус депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 205.410.000 (икки юз беш миллион тўрт юз ўн минг) сўм пуллардан 29.410.400 (йигирма тўққиз миллион тўрт юз ўн минг тўрт юз) сўми ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг Каттақўрғон шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига ўтказилсин.

Жиноят иши юзасидан судланувчи Киличев Равшанжон Норкулович томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг махсус депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 205.410.000 (икки юз беш миллион тўрт юз ўн минг) сўм пуллардан 175.999.600 (бир юз етмиш беш миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз) сўми ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи Киличев Равшанжон Норкуловичга қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳамда жиноят иши ҳужжатларига қўшилган 2024 йил 19 апрель кунидаги Катақўрғон шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими томонидан Каттақўрғон шаҳар Педагогика коллежида ўтказилган текшириш маълумотномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, 2024 йил 24 май кунидаги Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси бош назоратчи-тафтишчиси З.Холилов томонидан ўтказилган текшириш далолатномаси, хулосаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳаммад тўлов топшириқномалари жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ишда тараф бўлмаган шахслар эса суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум, фуқаровий даъвогар эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

И.А.Дониёров

